

---

## “Мардлар қўриқлайди ватанни” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 33 йиллиги ҳамда Ватан ҳимоячилари кун муносабати билан Данғара Ахборот кутубхона марказида “Янги Ўзбекистон армияси – мамлакат таянчи, халқимиз фаҳри!” шиори остида “Мардлар қўриқлайди ватанни” мавзусида маънавий-маърифий тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда сўзга чиққанлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучларини ислоҳ қилиш, қўшинларни замонавий қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника билан таъминлаш, касбий маҳорати юқори даражада бўлган ҳарбий хизматчиларни тарбиялашнинг самарали механизмини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаётганини қайд этдилар.

Тадбир 27-умумий ўрта таълим мактаби ўқувчилари томонидан тайёрланган ажойиб шеър ва куй-кўшиқлар билан янада кўтаринки кайфиятда давом этди.

---

2025-01-13 17:32:38